

Шохрух МИРЗО

МАФТУНИНГМАН

Шеърлар

МАҲБУРИЙ НУСXA

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(59)17 - 988. arab.


УЎК Ҳз. 2
КБК 84(5936)-3
Б 79

Шеърят-кўнгил изҳорини бадиий намоён қилишнинг энг гўзал усулидир.

Бироқ ҳар ким бу усулдан моҳирона фойдаланавермайди.

Шоҳруҳ ҳам қалб кечинмаларини шеърӣ тарзда ифодалашга ҳаракат қилибди.

Шоҳруҳбекдан келажакда янада кўнгилга яқин сатрлар кутиб қоламиз.



Б $\frac{4702620202-23}{376(03)2013}$ 23-2013 © Ш. Бобоев, 2013 йил

© "Насаф" нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-124-3

НД 41314
0

МАФТУНИНГМАН

Кухна дунё яралган азалдан бир кам,
Сени севдим гузалим, жоним Мафтунам.
Балки сенга лойиқмасдир, кунгилгинам,
Не булсада энди сенинг мафтунингман.

Қарагин икки ошиқ боғда юрибди,
Ёрин мафтун қилай деб қошин терибди.
Йигит кузлари бахтни шундай курибди...
Булма хафа сабаб сенинг мафтунингман.

Куй тингласанг куйингда доим булойин,
Хаёл сурсанг хаёлинг узим бузойин.
Ёнимда бул кузингга қараб тўёйин,
Хаёлингни бузган ошиқ мафтунингман.

Куп бора қийнадингку фироқ дардида,
Шоҳ ҳам узим, гадо ҳам..., севги қасрида.
Хабаринг бор ожизман кунгил дарсида,
Ҳар қанча азоб берсангда мафтунингман.

Ишқим тушдику сенга нозанин Мафтун,
Кунглим ярим сен сабаб гузалим Мафтун.
Қийнар дилим бир азоб сўрагин Мафтун,
Мафтун куз тиккан йулингга мафтунингман.

МЕН ҲАМ МАЖНУН

Йўлингга куз тиккан кўзларим толмиш,
Хурлиқо сени деб бу жисмим ёнмиш.
Гулим, сени кутган юрагим бемор,
Тугриси ҳолимдан бир бор хабар ол.

Сурмайсан ҳолимни бевафогинам,
Келишинг кутаман дилозоргинам.
Лек йўқсан ёнимда ҳамон кутаман,
Келмасанг, келмасанг ёлғиз утаман.

Бир сабаб боқаман бирдан ортимга,
Куп суқмоқлар утган ҳаёт йўлимга.
Паст-баланд йўлларда рост-ку юрганим,
Эслайман ҳақ йўлда сени кутганим.

Кутгандим қанчалар, бироқ келмадинг,
Оқибатсиз ҳолим ўйлаб кўрмадинг.
Ўйлайман ҳар оқшом кукка кўз тикиб,
Қачон кўрсам дея ҳаёлга чумиб.

Тонг отса йўлингга тураман яна,
Балки бугун сени кўраман дея...
Барча умидларим хазон бўлди-ку,
Жамолинг бугун ҳам армон бўлди-ку.

Кузларим зор пойлаб қотди йулингга,
Билгин, бу ҳаётим сенинг қулингга.
Раҳм қилгин гузалим, телба Мажнунга,
Рад этма севгимни, булай ёнингга.

МАЪЮС КУЗЛИГИМ

Хувуллаб қолди-ку қалбимнинг тўри,
Сени олиб кетган йигитнинг зўри.
Дод солиб йиғладим билдим сен рўё,
Суқир кузимга тор бўлганда дунё.

Кузга уйқу келмас бир сени уйлаб,
Энди утсам керак васлингни куйлаб.
Туғаб битмас ширин бахтларни тилаб,
Йиғладим ягона расминг қучоқлаб.

Кузимдан ёш эмас армон оқади,
Хаста қалбга ширин сўзинг ёқади.
Соғиндим-ку жуда, маъюс кузлигим,
Аҳди битта лекин, икки сўзлигим.

Алдадинг ширин сўз, бердинг ваъдалар,
Бас ҳаёт туқмоғи қаттиқ савалар.
Синган бу кўнглимни алам қийнайди,
Узун сочларингни узга силайди.

Узга уйга кетдинг мисоли оқ қуш,
Булса қанийди бу энг ёмон бир туш.
Хуп майли, бахгли бул, нима ҳам қилдим,
Тақдир бу не қилай, борига кундим.

ЙУЛИҚДИМ

Тулин ой чиққанки гүзалдир осмон,
Курганим бир жонон уйлайман ҳамон.
Шу онда бир ажиб дардга йулиқдим,
Бу дард энди мени кўюрму омон.

Йулиққан бу дардим бедаво экан,
Буни билмади-ку биргина эркам.
Билганда оҳларим ул сарвиқомат,
Дардимни бедаво демасдим ҳеч ҳам.

Осмон гүзал, қараб уйга толаман,
Саҳарда кўрмасам ишон, уламан.
Бас, тонгача етса-ку сабрим, жоним,
Дардимга малҳамни шунда топаман.

Топганда яғонам кўйирмам юзда,
Боқиб гул рухсоринг жойларман кузга.
Йулиққан дардимга шукрона айтиб,
Битурман янги куй сен берган созда.

Бир дардга йулиқдим тотли муҳаббат,
Юрар йул қолмади уйлайман фақат.
Бир дардга йулиқдим утли муҳаббат,
Борар жой қолмади куйлайман фақат.

ҚАНИЙДИ КЎРСАМ

Соғинч уртагандир балки қалбингни,
Қани энди олсам бирор дардингни.
Аламдан азоб бор икки кўзингда,
Билсанг булармиди асли қадрингни.

Нима сабаб бўлди ғамгинсан жоним,
Ахир сен учун мен бераман борим.
Айтақол дардингни имкони бўлса,
Аслида яшарман сени деб, ёрим.

Эшитиб дардингни, дардларинг олай,
Ўзим бор ҳасратинг давоси булай.
Берсанг имкон, гулим, боқиб юзингга,
Сен учун, сен учун менгина улай.

Кўзим тўймас асло боқиб жамолинг,
Қанчалар ярашган юздаги холинг.
Қизғонаман сени ҳаммадан десам,
Уятдан қизарар икки ёногинг.

Тонгда кузим очиб қанийди курсам,
Кулиб турган чехранг менинг фариштам.
Боқиб кўзларингга қанийди улсам,
Юрак кўримдаги гулим, Мафтунам.

АКАМ

Керак дерлар ҳаётда улкан тажриба,
Омад келиб ишларим бўлса авжида.
Майли ҳатто ёнсамда ёрнинг ҳажрида,
Сиздан сабоқ олиб ўтади умрим.

Керак дерлар ҳаётда бўлмоқлик бахтли,
Яна қушиб қуярлар бўлгин сен тахтли.
Акам майли турмангда бир сўзга аҳдли,
Сиздан сабоқ олиб ўтади умрим.

Акам ўзи мен учун бус-бутун сиймо,
Куп кўрганмиз аслида тордир бу дунё.
Яхшини кўрган куни рости чин руё,
Сиздан сабоқ олиб ўтади умрим.

Неки, истасам бир кун эришгум албат,
Булмасин қалбингизда ҳеч қачон нафрат.
Кулинг!... Синманг келсада оғир бир кулфат,
Сиздан сабоқ олиб ўтади умрим.

Йигитмиз не сўрасак бергувчи худо,
Она халқим қўл очиб уқийди дуо.
Эзгулик қалбингизда бўлмасин адо,
Сиздан сабоқ олиб утади умрим.

МОҲИМ

Кукларни қучоқлаб кетаман энди,
Золимсан, яшаб мен нетаман энди.
Сенинг учун гулим, фақат сен учун,
Қанча азоб бўлса чекаман энди.

Майли, бирор кунда уйлама мени,
Фарёд уриб йиглаб эслама мени.
Куз ёшинг азизам кўрмайин асло,
Деб ёнар бўлсамда тинглама мени.

Қанча ҳасратим бор, шеърга жойладим,
Неча бор яғонам йўлинг пойладим.
Азизам бир бора имкон бермадинг,
Оқибат осмонни маскан айладим.

Осмону фалакка сигмасди оҳим,
Дардимнинг давоси сен эдинг, моҳим.
Жоду кузларингга боқсам қачонки,
Унутардим бўлса, ҳар қанча оҳим.

Тун узун, отса тонг кетишим ростдир,
Ёниб ҳануз сени кутишим ростдир.
Хабар келмас экан шунда ҳам сендан,
Бор дарду аламни ютишим ростдир.

Кетаман, кетаман кукни кучоқлаб,
Балки йиғлар золим мени суроқлаб.
Энди булди кеч, жоним энди-ку кеч,
Қайтмас булиб кетдим сендан йироқлаб.

Кетаман, кетаман ёрни суроқлаб,
Балки йиғлар жоним қабрим кучоқлаб.

МАФТУНГА...!

Муҳаббат кучасига кирмаган эдим,
Неча бор бу дунёда севги йук дедим.
Кунлар келади ҳатто бир малак учун,
Бераман жонимни деб уйлаганмидим.

Гар сурасанг жонимни, жонлар беройин,
Фақат чимилдиқ ичра сени кўройин.
Чиройли рухсорингга термулиб тунда,
Тонглар отгунча узун сочинг таройин.

Мафтуна дебон юрган уша яна мен,
Сенга атаб шеър ёзган Мирзо мана мен.
Келиб ёлгон дунёдан нима ҳам кўрдим,
Хажрингда адо булдим такрор ёна мен.

Ожиз қолар забоним қаршингда турсам,
Чорасизман севгимни рад этсанг эркам.
Зулмат ичра жим..., узун тунни кузатиб,
Шеърлар битдим билмадим қанчалик кўркам.

Аламзада юрибсан эшитдим кўп бор,
Бузиб қуйдим ҳаётинг булма дилозор.
Қуйгин уша гуруринг бир марта Мафтун,
Бу ошиқ қалбим сенга ростдан харидор

Фарҳод-Ширин бир-бирин қанча севсалар,
Мен ҳам сенга ошиқман Мафтун шунчалар.
Нозларингга чек қуйиб тингла сўзларим,
Қийнамасанг буларди жоним бунчалар.

Рози булсанг Мафтуна туйлар қиламиз,
Худо хоҳласа бизлар бахтли буламиз.
Сураганман Аллоҳдан кўп бора сени,
Севги тарихида биз мангу қоламиз.

Билсам фарзанди кўпни бой одам деркан,
Мен ҳам истайман билсанг бой бўлиш эркам.

СОҒИНЧ АЗОБИ

Сенсиз яшарканман ҳар сафар тонгда,
Юзимга урилар гамгин шамоллар.
Асли ёдимдасан ҳар вақт, ҳар онда,
Қочар олиб сенга ширин хаёллар.

Қувдилар неча кун, лек кетолмадим,
Деразанг остида интизор кузим.
Олиссан сабабини тополмадим,
Асло эшитмадинг аламли сүзим.

Кетар олиб фироқ бир кун ахтариб,
Бу кун улганимда булар эҳтимол.
Тобутга михланган жисмим кутариб,
Дустларим ҳолимдан кулар эҳтимол.

Майлида айлансин севгим саробга,
Шу кунни кутарман балки интизор.
Қайси ошиқ етган осон муродга,
Дод соғинч азоби айлади-ку хор.

Рост гагим синовлар шафқат билмади,
Ёндику юрагим соғинч утида.
Улар бўлдим, аммо гулим келмади,
Мазмунсиз ҳаётдан охир-оқибат.

ТАНЛАДИМ

Билмадим қалбингда нелар пинҳона,
Кузингга термулиб қалбинг кўролсам.
Самимийсан, юзингда бордир нишона,
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Илк бора кўргандим тасодиф сени,
Ўтгандинг тезгина, бўлгандим ҳайрон.
Ўшанда аҳд қилдим кечиргин мени,
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Шу-шу сен ёдимда, урганда юрак,
Исмингни такрорлар ички бир овоз.
Энди дунё эмас фақат сен керак,
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Режалар тузаман куннинг тонгида,
Боғлиқдир уйларим сен билан фақат.
Тин билмай кутаман уйинг олдида,
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Қоп-қора сочларинг ақлимни олар,
Қачонки сен ёнимдан ўтганингда.
Кўзларим ортингдан термулиб қолар,
Худойим, танладим бўлмасин хато.

Қулингни сўраб-ку боришар бугун,
Рози бул рад этма қарорим шудур.
Эҳтимол юзингни кўришар бугун,
Худойим, танладим булмасин хато.

МЕНГА ҚАНДАЙ ЯШАШНИ УРГАТМАНГ

Қалбим тўрида орзу-умидларим бор,
Билманг армон деб, такрор келади баҳор.
Мен яшаган асли бу жаннати диёр,
Менга қандай яшашни ургатманг дўстлар.

Юрагимда мақсадим сақлайман пинҳон,
Шунда балки қолмайди қалбимда армон.
Азизларим сиз учун бу жоним қурбон,
Менга қандай яшашни ургатманг дўстлар.

Қанча шоир утаркан орзулар қилар,
Гар ишонса албатта рўёбин кўрар.
Сурасангиз, худойим бир куни берар,
Менга қандай яшашни ургатманг дўстлар.

Ўтиб боради ҳаёт мисли бир қарвон,
Балким етар манзилга, балкида армон.
Не булсада барига ўзимдир сарбон,
Менга қандай яшашни ургатманг дўстлар.

Чин сузларимни сиз оғир олмангиз,
Бу уткинчи дунёда армон булмангиз.
Ҳаёт йули мураккаб яшаб толмангиз,
Менга қандай яшашни ўргатманг дўстлар.

ЮРАГИМ ЙИҒЛАЙДИ ЁШ ЙУҚ КУЗИМДА

Юрагим безовта нега билмадим,
Нигорим кузингга боқиб туймадим.
Кузларинг яшириб кетган кунингдан,
Сени қанча кутдим ҳатто сезмадим.

Юрагим қайғуда оҳиста урар,
Қачон ошиқ кузлар рухсоринг кўрар.
Армон булмасин дея ой жамолинг,
Утган ҳар одамдан исмингни сўрар.

Юрагим йиғлайди ёш йуқ кўзимда,
Турган эдим айтган ҳар бир сўзимда.
Нигорим, сен учун берардим жоним,
Лек бевафо кетдинг боқмай юзимга.

Юрагим сезганди етганин фурсат,
Начора чидайман қиламан тоқат.
Лекин исминг қолар ёдимда доим,
Юлдузим кетавер бахтли бул фақат.

Юрагим шивирлаб менга айтади,
Уйлама, қизгина бир кун қайтади.
Шу кунни кутдим-ку умрим кетсада,
Келмадинг, юрагим энди нетади.


ЗЕБО

Ширин хотиралар сени эслатар,
Ушалмаган орзу қалбим йиғлатар.
Сен йуқсан-сен йуқсан ёнимда, Зебо,
Энди қайдан топгум гузалим, Зебо.

Биз бирга булдик, рост аммо куп эмас,
Ҳижронга бу кунгил асло хуп демас.
Қизалоғим йиғлар қайдасан, Зебо,
Юрак бағрим тиглар келмайсан, Зебо.

Кетдинг воҳ дард сабаб менга айтмабсан,
Билиб, бу йулингдан асло қайтмабсан.
Бағритош ёрингни кечиргин, Зебо,
Бепарво кунгилни кечиргин, Зебо.

Биламан, энди кеч қайтмайсан асло,
Жон қизим, жоним деб айтмайсан асло.
Булгин сен жаннати жонгинам, Зебо,
Унутмасман, узинг ягонам, Зебо.



Фарзандимиз сабаб яшаб қоламан,
У булмаса мен ҳам аниқ уламан.
Қош-қузинг қизингда такрордир, Зебо,
Хуснда ухшар сенга бетакрор, Зебо.

БАРЧАДАН КҮРКАМ

Зулм истаб келдимми ёнингга,
Жабр истаб севдимми санинг-да.
Ошиқ қалбни қилмадинг писанд,
Айт, севгим каммиди манингда.

Курдим сени ортиқ жонимдан,
Юрдим ҳар кун ахир ёнингдан.
Неча кунки курмадим сени,
Бир хабар олмадинг ҳолимдан.

Аҳволим чин ёмон билмайсан,
Сенсиз Мирзо тамом келмайсан.
Яшаяпман шу ҳаёт булса,
Қалб сира қувонмас, кулмайсан.

Кет-кетавер истасанг эркам,
Ўзга керак сенга маликам.
Менда бордир оташин юрак,
Эдинг узинг барчадан куркам.

Қош-қузинга мафтунлигим рост,
Исмингга мос эдинг-ку чарос.
Бор-боравер мендан олисга,
Очилгандир у гуллар қийгос.

БИР ТОМЧИ ЁШ

Йиғласам дод солиб кетарми ғамим,
Тарк этарми ичимдаги бу дардим.
Не қилай, не қилай синган кунгилман,
Етмади-ку, фақат Моҳимга оҳим.

Ғам ютсам “дуст”ларим буларми хурсанд,
Не қилай гузалим ёнимда йуқсан.
Чорасиз ошиқнинг борар йули йуқ,
Қай кетай доимо ёдимда булсанг.

Ошиқман аслида, лек жуда ожиз,
Қанийди яшолсам яғонам сенсиз.
Уткир кузларимни тикиб кузингга,
Қанийди термулсам булгунча нурсиз.

Афсус орзулардан фойда йуқ энди,
Армонлар кунгилни эгаллаб булди.
Энди эса хазон қалбим ҳувуллар,
Сабаб кунгилгинам бориға кунди.

Муҳаббат одамни улуглар экан,
Муҳаббат минг йилда бир келар экан.
Қалбда орзулари тош қотган тунда,
Аччиқ армони кўп, кўп йиғлар экан.

Топганим не бўлди топмаганим-чи,
Яхши қиз ҳолимни бир бор суранг-чи.
Бу нурсиз кўзларга узоқ тикилиб,
Ёшланар кўзларинг, томар бир томчи.

КЕТАР БҮЛДИМ

Йиллар сени кутгандим.
Хар тун тушда кўргандим,
Меники деб юргандим,
Кетар булдим йироққа,
Кутиб ётган тупроққа.

Қанча-қанча орзулар,
Армондир энди улар,
Сочларинг узга силар.
Кетар булдим йироққа,
Армон тўла тупроққа.

Соғинди қора ер бугун,
Соғинмадинг жонгинам Мафгун.
Фақатгина севганим учун,
Кетар булдим йироққа,
Соғинган бу тупроққа.

Хафасан, кўзларингда ёш,
Гуруринг эгмадику бош.
Булсин бошқа ёр йулдош,
Кетар булдим йироққа,
Тепкиланган тупроққа.

Сен йиғлама юлдузим,
Энди йуқдир кундузим.
Бу-ку охирги сүзим,
Кетар булдим йироққа,
Фарёд тула тупроққа.

Соғинганим бор,
Соғинганинг бор,
Оғринганим бор,
Кетар булдим йироққа,
Чанг тұзонли тупроққа.

Кетсам, куз ёш тукмангиз,
Уғлим, деб фарёд чекмангиз,
Гулим оқлар киймангиз,
Кетар булдим йироққа,
Куз ёш тула тупроққа.

Қора ер бағрига олар,
Армонли хотира қолар,
Юрагим уришдан толар,
Кетар булдим йироққа,
Қоп-қора бу тупроққа.

БЕТАКРОРИМ

Тонг отганда кулса юзинг,
Ҳар кун кўрсам шаҳло кўзинг,
Эшитсам кўп ширин сўзинг,
Менинг бахтим, бетакрорим.

Кетма асло олис мендан,
Кураман рост ортиқ жондан,
Қизғонаман ҳатто кундан,
Менинг бахтим, бетакрорим.

Сен-ку борлигим, бахтимсан,
Жилвакор кумуш тахтимсан,
Адашмаган бир аҳдимсан,
Менинг бахтим, бетакрорим.

Юрагимда сақлаганим,
Кузим нури, чақнаганим,
Ҳар тун ойга мақтаганим,
Менинг бахтим, бетакрорим.

ГУЛЧЕҲРА

Не қилай ёқмасанг тош юрагимга,
Нима ҳам дердим, бебош юрагимда.
Севарсан балкида мени чин дилдан,
Жой булмади, кечир буш юрагимга.

Чиройлисан тенги йуқ кимлар учун,
Мафтункорсан мислсиз, лек ёқмас нечун.
Муҳаббатинг самимийдир эҳтимол,
Сеҳринг ҳатто билдирмас зарра кучин.

Қош-кузинг курган бор парвона сенга,
Кулгичларинг ут солар неча жонга.
Қалбим сенга талпинмас узр, Гулчеҳра,
Хафа булиб тулдирма куксинг қонга.

ЖОНИМ ЖИЯНИМ

Не сабабдан келдинг-у, кетдинг дунёдан,
Балки биздан-да эрта кечдинг рўёдан.
Айтмагин асло менга ҳақиқатни ҳеч,
Порлаб турарди ахир..., кўзинг зиёдан.

Термуламан, топгум деб бирор изингни,
Таним қулоқ, эшитсам битта сўзингни.
Афсуски, орзуларим саробдир ҳар гал,
Ҳатто тушда кўрмадим жажжи юзингни.

Соғиндим..., соғинганим қувноқ кулгудир,
Онажонинг бошида аччиқ қайгудир.
Хурсанд эдик борингда, сен билан доим,
Кулдинг, дод, кетар чоғинг, - армон туйгудир.

Дийдорлашмай эшитдим сўнгни тилагинг,
Уриб турарди ахир митти юрагинг.
Тилагинг сароб эмас ушалар ишон,
Ўлма, кураш! Унутма бизга керагинг.

Мундарижа

Мафтунингман	3
Мен ҳам мажнун	4
Маъюс кузлигим	5
Йулиқдим	6
Қанийди кўрсам	7
Акам	8
Моҳим	9
Мафтунга...!	11
Соғинч азоби	13
Танладим	14
Менга қандай япашни ургатманг	15
Юрагим йиглайди ёш йуқ кузимда	16
Зебо	17
Барчадан куркам	18
Бир томчи ёш	19
Кетар бўлдим	21
Бетакрорим	23
Гулчеҳра	24
Жоним жияним	25

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Шоҳруҳ МИРЗО

МАФТУНИНГМАН

Шеърлар

Мухаррир: Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: Ю. Зиёдов.
Саҳифаловчи: Ш. Холмуродова
Муқова безакчиси: Ж. Норқобилов.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил.
Теринга 10.01.2013 йилда берилди. Босинга
07.03.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84_{1/32}.
Офсет қоғози. Times UZ гарнитураси. Офсет
усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 0,81.
Нашр босма табоғи 0,62. 14-2013-шартнома.
14-буюртма. 100 нусхада. 28 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кучаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди. 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кучаси, 22-уй.

NATLIB.UZ